| | | |
|---|---|---|
| 1 | **ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ** | |
| | Тўлиқ | **“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси** |
| | Қисқартирилган | **“Ўзбектелеком” АК** |
| | Биржа тикерининг номи | UTLK |
| 2 | **АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ** | |
| | Жойлашган ери | 100000: Тошкент шаҳри, А. Темур кўчаси 97 А |
| | Почта манзили | 100011: Тошкент шаҳри, А.Навои кўчаси 28 А |
| | Электрон почта манзили | info@uztelecom.uz |
| | Расмий веб-сайти | www.uztelecom.uz |
| 3 | **МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ** | |
| | Муҳим фактнинг рақами | 06 |
| | Муҳим фактнинг номи | Эмитентнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар |
| | Умумий йиғилиш тури | Йиллик |
| | Умумий йиғилиш ўтказиш санаси | 27.06.2023й. |
| | Умумий йиғилиш баённомаси тузилган сана | 07.07.2023й. |
| | Умумий йиғилиш ўтказилган жой | 100011: Тошкент шаҳри, А.Навои кўчаси 28 А |
| | Умумий йиғилиш кворуми | 100 |
| | | |

| **Т/Р** | **Овоз беришга қўйилган масалалар** | **Овоз бериш якунлари** | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **Ёқлаш** | | **Қарши** | | **Бетараф** | |
| | | **%** | **Сони** | **%** | **Сони** | **%** | **Сони** |
| 1 | “Ўзбектелеком” АК Акциядорларининг умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш. | 100 | 277 446 078 | | | | |
| 2 | “Ўзбектелеком” АК Кузатув кенгашининг 2022 йил якунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш | 100 | 277 446 078 | | | | |
| 3 | “Ўзбектелеком” АКнинг 2022 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш | 100 | 277 446 078 | | | | |
| 4 | “Ўзбектелеком” АКнинг 2022 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни бўйича тафтиш комиссияси хулосасини тасдиқлаш | 100 | 277 446 078 | | | | |
| 5 | “Ўзбектелеком” АКнинг 2022 йил натижалари бўйича соф фойдани тақсимлаш ва дивидендлар тўлаш тўғрисида | 100 | 277 446 078 | | | | |
| 6 | “Ўзбектелеком” АКнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида ҳисобот | 100 | 277 446 078 | | | | |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 7 | “Ўзбектелеком” АКнинг Корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳоловчи ташкилот томонидан ўтказилган баҳолаш натижалари тўғрисида | 100 | 277 446 078 | | | | |
| | 8 | “Ўзбектелеком” АК кундалик хўжалик фаолияти билан боғлиқ товарлар, хизматлар ва ишлаб чиқариш маҳсулотлари рўйхатини тасдиқлаш | 100 | 277 446 078 | | | | |
| | 9 | “Ўзбектелеком” АК томонидан аффилланган шахслар билан келгуси кундалик хўжалик фаолияти жараёнида тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш | 100 | 277 446 078 | | | | |
| | 10 | “Ўзбектелеком” АКнинг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, саноат кооперациясини ривожлантириш ва импортни қисқартириш бўйича 2022 йилда амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи | 100 | 277 446 078 | | | | |
| | 11 | “Ўзбектелеком” АК Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш | 100 | 277 446 078 | | | | |
| | 12 | “Ўзбектелеком” АК Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш | 0,35 | 967 824 | 99,65 | 276 478 254 | | |
| | 13 | “Ўзбектелеком” АК бошқарув раиси билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини узайтириш | 100 | 277 446 078 | | | | |
| | 14 | “Ўзбектелеком” АК устав фондини камайтириш масаласини қайта кўриб чиқиш | 100 | 277 446 078 | | | | |
| | 15 | “Ўзбектелеком” АК уставининг янги таҳририни тасдиқлаш | 100 | 277 446 078 | | | | |
| | **Умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ баёни** | | | | | | | |
| | 1 | “Ўзбектелеком” АК Акциядорларининг умумий йиғилиши регламенти қуйидагича тасдиқлансин:<br>1. Асосий маърузалар - 10 дақиқагача.<br>2. Савол – жавоблар - 5 дақиқагача.<br>3. Муҳокамалар - 3 дақиқагача. | | | | | | |
| | 2 | 1. “Ўзбектелеком” АК Кузатув кенгашининг 2022 йил якуни бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин. | | | | | | |
| | 3 | 1. “Ўзбектелеком” АКнинг 2022 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни бўйича бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳамда Компаниянинг йиллик | | | | | | |

| | | |
|---|---|---|
| | | ҳисоботи тасдиқлансин.<br>2. Компаниянинг 2022 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни ташқи аудит текширувини ўтказган "TTT-audit" МЧЖнинг 2023 йил 26 апрелдаги хулосаси тасдиқлансин. |
| | 4 | 1. "Ўзбектелеком" АК Тафтиш комиссиясининг "Ўзбектелеком" АКнинг 2022 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни бўйича хулосаси" 4.1-иловага мувофиқ тасдиқлансин. |
| | 5 | 1. "Ўзбектелеком" АКнинг 2022 йилда олган 226 920 970 594,14 сўм миқдоридаги соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин: резерв фондига – 5 % ёки 11 346 048 529,71 сўм; инвестиция фондига– 5 % ёки 11 346 048 529,71 сўм; модернизация ва янги технологиялар фондига – 12,12 % ёки 27 500 236 388,23 сўм; имтиёзли акциялар учун дивиденд тўловига – 1,25 % ёки 2 845 904 211 сўм; стратегик аҳамиятга эга лойиҳаларни молиялаштириш ва кредит тўловларини амалга ошириш учун Компания тасарруфида қолдириш учун – 76,63 % ёки 173 882 732 935,5 сўм.<br>2. "Ўзбектелеком" АКнинг лойиҳаларини молиялаштириш ва кредит тўловларини амалга ошириш учун қолдирилган маблағлар кейинчалик капитализация қилиниши, яъни қўшимча акциялар чиқарилиши орқали Компания Устав фондини оширилишига йўналтирилиши белгилаб қўйилсин.<br>3. "Ўзбектелеком" АК бошқаруви (Н.Хасанов) дивидендларнинг тўланишини 2023 йилнинг 28 июнидан 2023 йилнинг 26 августга қадар таъминласин. |
| | 6 | 1. "Ўзбектелеком" АКнинг ривожланиш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисобот 6.1-иловага мувофиқ тасдиқлансин. |
| | 7 | 1. "Audit fair services" МЧЖ томонидан "Ўзбектелеком" АК корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин ва баҳолаш натижалари 7.1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.<br>2. "Ўзбектелеком" АК Кузатув кенгаши ва бошқаруви "Audit fair services" МЧЖ баҳолаш ҳисоботида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш юзасидан берилган тавсияларга Компанияда амал қилинишини назоратга олсин. |
| | 8 | 1. "Ўзбектелеком" АКнинг кундалик хўжалик фаолиятига кирадиган хизматлар ва ишлаб чиқариш маҳсулотлар рўйхати 8.1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.<br>2. Мазкур рўйхат 2024 йилда 2023 йил якуни бўйича ўтказиладиган Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишига қадар амал қилиши белгилаб қўйилсин. |
| | 9 | 1. "Ўзбектелеком" АК бошқаруви (Н.Хасанов):<br>- барча аффилланган шахслар билан кундалик хўжалик фолиятига доир битимларни то келгуси Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилгунига қадар тузишга рухсат берилсин;<br>- "Ўзбектелеком" АК соф активларининг ўн беш фоизидан эллик фоизигача бўлган қисмини ташкил этувчи битимлар (битим) Компания Кузатув кенгашига қарор қабул қилиш учун киритилишини таъминласин.<br>- "Ўзбектелеком" АК соф активларининг эллик фоиздан юқорисини ташкил этувчи битимлар (битим) Акциядорларнинг умумий йиғилишига қарор қабул қилиш учун киритилишини таъминласин. |
| | 10 | 1. "Ўзбектелеком" АК бошқарувининининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, саноат кооперациясини ривожлантириш ва импортни қисқартириш бўйича 2022 йилда амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин. |
| | 11 | 1. "Ўзбектелеком" АК жорий фаолиятини самарали давом эттириш мақсадида, Компаниянинг амалдаги Кузатув кенгаши таркибининг ваколати кейинги янги таркиб сайлангунига қадар узайтирилсин. |
| | 12 | 1. "Ўзбектелеком" АК тафтиш комиссияси фаолияти тугатилсин ва бу тўғрисида Компания уставига тегишли ўзгартириш киритилсин. |
| | 13 | 1. Компания бошқарув раиси Хасанов Назиржон Набижанович билан тузилган меҳнат шартномаси уч йил муддатга узайтирилсин.<br>2. "Ўзбектелеком" АК Кузатув кенгаши раиси Компания бошқарув раиси билан тузилган меҳнат меҳнат шартномасига тегишли ўзгартириш киритилишини таъминласин. |

| | | |
|---|---|---|
| | 14 | 1. “Ўзбектелеком” АК акциядорларининг 2023 йил 16 февралдаги умумий йиғилиши кун тартибидаги 4-масала яъни Компания устав фондини камайтириш юзасидан қабул қилинган қарор бекор қилинсин ва ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.<br>2. “Ўзбектелеком” АК устав фонди 11 780 356 274 сўмга яъни 10 208 281 дона оддий эгасининг номи ёзилган акцияларга камайтирилсин ва 319 776 034 582 сўм қилиб белгилансин.<br>3. “Ўзбектелеком” АК устав фондидаги давлат улуши Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислоҳатлар агентлиги улуши ҳисобига камайтирилсин.<br>4. “Ўзбектелеком” АК устав фонди камайтирилиши натижасида вужудга келган қолдиқ (773,79 сўм) кейинги Компания устав фондидаги давлат улушини камайтириш ёки давлат улушини ошириш пайтида инобатга олинсин.<br>5. “Ўзбектелеком” АК бошқаруви (Н.Хасанов) “Ўзбектелеком” АК устав фондини камайтириш билан боғлиқ ишларни ўрнатилган тартибда амалга оширилишини таъминласин.<br>6. “Ўзбектелеком” АК Кузатув кенгаши Компания устав фондини камайтириш билан боғлиқ қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги ҳужжатларни расмийлаштириш ва ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш ишларини амалга оширилиши таъминласин. |
| | 15 | 1. “Ўзбектелеком” АК Уставининг янги таҳрири 15.1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.<br>2. “Ўзбектелеком” АК бошқаруви:<br>Компания Уставига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалардан келиб чиққан ҳолда тегишли ташкилий ишларни амалга оширсин;<br>Компаниянинг янги таҳрирдаги уставини ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишни таъминласин. |

**Эмитентнинг ижроия органи, кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзолари фойдасига ҳисобланган ва тўланган ҳақ ва (ёки) компенсациялар**

| Т/Р | Ф.И.Ш. | Шахс аъзоси ҳисобланган эмитент органининг номи | Тўлов тури (ҳақ ва (ёки) компенсациялар) | Ҳисобланган сумма (сўм) | Маблағ ҳисобланган давр | Тўлов назарда тутилган эмитент ҳужжати |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | | | | | | |

**Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш:**

**Кандидатлар тўғрисида маълумот**

| Т/Р | **Ф.И.Ш.** | **Иш жойи** | **Лавозими** | **Тегишли акциялар** | | **Овозлар сони** |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | **Тури** | **Сони** | |
| | | | | | | |

**Уставга киритилаётган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчаларнинг матни**

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | |
| | | | | | | |